

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.K.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУҚИМЖОНОВА УМИДАХОН ВАХОБЖОН ҚИЗИ

***PHASEOLUS AUREUS, VIGNA SINENSIS* ВА *ARACHIS HYPOGAEA*
ЎСИМЛИКЛАРИ: КИМЁВИЙ ТАРКИБИ, СИНФЛАНИШИ
ВА УЛАР АСОСИДАГИ КОМПОЗИЦИЯЛАР**

02.00.09 – Товарлар кимёси

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муқимжонова Умидахон Вахобжон кизи

Phaseolus aureus, *Vigna sinensis* ва *Arachis hypogaea* ўсимликлари:
кимёвий таркиби, синфланиши ва улар асосидаги композициялар 3

Муқимжонова Умидахон Вахобжон кизи

Растения *Phaseolous aureus*, *Vigna sinensis* и *Arachhis hypogaea*:
химический состав, классификация и композиции на их основе 21

Mukimjonova Umidakhon

Plants *Phaseolous aureus*, *Vigna sinensis* and *Arachhis hypogaea*: chemical
compounds, classification and compositions based on them..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУҚИМЖОНОВА УМИДАХОН ВАХОБЖОН ҚИЗИ

PHASEOLUS AUREUS, VIGNA SINENSIS ВА *ARACHIS HYPOGAEA*
ЎСИМЛИКЛАРИ: КИМЁВИЙ ТАРКИБИ, СИНФЛАНИШИ
ВА УЛАР АСОСИДАГИ КОМПОЗИЦИЯЛАР

02.00.09 – Товарлар кимёси

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/K462 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон Давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исақов Муҳамеджан Юнусович
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Хожиматов Махсадбек Мўйдинович
кимё фанлари доктори, доцент

Абдуғаниев Бахтиёржон Ёрмахаматович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244-44-93).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси., 19. Тел.:244 44 02, факс (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
к.ф.д., профессор

М.Ё.Имомова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, кимё фанлари бўйича
фалсафа доктори

Ш.В.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда чорва ҳайвонларини комплекс ривожлантирувчи табиий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги экинлари асосида юқори сифатли, зарарсиз, чорва ҳайвонларини комплекс ривожлантирувчи, экологик тоза, табиий озиқ-овқат маҳсулотларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам, айрим дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, фойдали компонентларга бой, озуқавий қиймати юқори бўлган ўсимликлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ҳамда улар асосида чорва ҳайвонлари учун янги композицион товар маҳсулотларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда фойдали компонентларга бой қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштириш, кўпайтириш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, ҳамда улар асосида чорва ҳайвонлари учун тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, дуккакли ўсимликларнинг дони, барглари, пояси, илдизи таркибидаги оксиллар, витаминлар, углеводлар, макро- ва микроэлементлар, биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш, мазкур ўсимликлар асосида чорва ҳайвонларининг ривожланиши учун фойдали бўлган, зарарсиз, табиий, экологик тоза озиқ-овқат композицияларини яратиш, ҳамда ушбу композицияларга ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича янги халқаро товар код рақамларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинлари асосида чорва ҳайвонлари учун тўйимли, таркибида оксил, ёғ, углеводлар миқдори юқори бўлган, фойдали бирикмаларга бой, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва уларнинг ассортиментини кенгайтириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқонлар ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, улар асосида таркибида чорва ҳайвонларининг ривожланишида муҳим ўрин тутувчи макро- ва микроэлементлар, озуқа моддалари сақлаган табиий озиқ-овқат композицияларини яратиш, ҳамда уларга кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги халқаро товар кодларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

таракқиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2018 йил 29 июндаги ПҚ-3818-сон “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги” Қарори, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сонли “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 29-сонли “Республикада қуёнчилик соҳасини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади..

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг XVII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дуккакли ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар ва уларнинг биокимёвий хусусиятлари устида кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, мош (*Phaseolus aureus*) ўсимлигининг кимёвий таркиби, озуқавий қиймати, терапевтик, антивитаминоз каби хусусиятларини Р.Синх, П.Бофетта Х.Чанг, С.Нахае, Н.Ньюман, Ю.И.Варгач, Г.Н.Гудкова, Т.Л.Киселева, ловия (*Vigna sinensis*) ўсимлигининг фитотерапевтик таъсири, кимёвий таркиби, озуқавий қийматини аниқлашда В.А.Горьков, М.Ю.Дробижев, Ю.Э.Азимова, Г.Р.Табеева ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимлигининг кимёвий таркиби, озуқа элементлар миқдори, фармакологик хусусиятларини ўрганишда С.Жиану, М.Каземи, Л.Жировецт каби бир қатор чет эл олимлари хисса қўшган бўлиб, улар томонидан ушбу ўсимликларнинг оксил, углевод, мой сақлаган тўйимли озуқавийлиги, шифобахшлиги каби бир қатор хусусиятлари аниқланган.

Ҳозирги кунда дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, улар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, чорва ҳайвонларининг ривожланишига ижобий таъсир этувчи, комплекс ривожлантирувчи, озуқавий қиймати юқори бўлган озиқ-овқат композицияларини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Айрим дуккакли ўсимликларнинг таркибидан табиий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган, шунингдек, дуккакли ўсимликлар асосида чорва ҳайвонларини ривожлантирувчи табиий озиқ-овқат композицияларига ТИФ ТН бўйича товар код рақамлари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши айрим дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, улар асосида чорва ҳайвонларининг ривожланишига самарали таъсир қилувчи, таркибида муҳим табиий озуқа элементлари, витаминлар, макро- ва микроэлементлар, биологик фаол бирикмалар сақлаган, зарарсиз, экологик тоза озиқ-овқат композицияларини яратиш,

хамда уларга кимёвий таркиби асосида тегишли янги товар код рақамларини ишлаб чиқиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мош (*Phaselous aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларининг дон ва пояларини кимёвий таркибини аниқлаш, уларнинг донлари учун миллий код рақамларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур ўсимликлар қолдиқ дон ва пояларидан чорва ҳайвонлари учун тўйимлилиги юқори бўлган универсал композицион озуқалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мош (*Phaselous aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларнинг донлари таркибидаги макро-, микроэлементлар ва органик бирикмалар миқдори, ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш;

турли тупроқ шароитида етиштирилган дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини қиёсий таҳлили асосида, тупроқ ва дуккакли ўсимликлар дон ва пояларининг элемент таркиби орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

мош (*Phaselous aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимлик поя ва қолдиқ донлари таркибидаги углевод, мой, оксил, витамин ҳамда макро- ва микроэлементлар миқдорини аниқлаш асосида, улар орасидаги юқори озуқавийликнинг энг оптимал вариантини ишлаб чиқиш;

дуккакли ўсимликлар поя ва қолдиқ донларининг кимёвий таркиби асосида энг оптимал нисбатларда композицион озуқалар ишлаб чиқиш, уларнинг озуқавий жиҳатдан афзалликларини исботлаш;

мош (*Phaselous aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликлари донларига Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича, кимёвий таркиби асосида янги код рақамларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятида етиштирилган мош (*Phaselous aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) дуккакли ўсимликларнинг дон ва пояларининг элементар ва органик таркиби олинди.

Тадқиқотнинг предмети дуккакли ўсимликлар кимёвий таркибини таркибини кимёвий ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш, мазкур ўсимликлар асосида олинган композицион озуқаларнинг самарадорлигини исботлаш, шунингдек, дуккакли ўсимликларни кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажариш жараёнида физикавий, физик-кимёвий ва кимёвий анализ усуллари: экстракция, юпқа қатламли хроматография, юқори самарали суюқлик хроматография, хромато-масс-спектроскопия, инструментал нейтрон-активацион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликлари намуналари таркибидаги 40 та макро-, микро- ҳамда сийрак тарқалган элементлар миқдори аниқланган ва уларнинг тупроқ – поя – дон тизимида миқдорий нисбати қиёсий асосланган;

илк бор мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларининг поя ва донлари таркибидаги углевод, ёғ, оксил ҳосил қилувчи аминокислоталар, витаминлар миқдори комплекс аниқланган;

ушбу ўсимликлардан оксиллар ажратиб олиниб, улардаги аминокислоталар таркиби алмашинмайдиган аминокислоталарнинг табиий манбаидан иборатлиги исботланган;

мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларидаги липидлар, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг миқдорий улушлари газ хроматография усули ёрдамида исботланган;

илк бор дуккакли ўсимлик поялари ва қолдиқ донларидаги макро- ва микроэлементлар ҳамда органик таркиб орасидаги миқдорий кўрсаткичлар асосида чорва қуёнлари учун тўйимлилиги жиҳатидан юқори самарадорликка эга, универсал композицион озуқалар ишлаб чиқилган;

мош (*Phaseolus aureus*) ва ловия (*Vigna sinensis*) дуккакли ўсимликларининг донларига ТИФ ТН бўйича янги халқаро товар код рақамлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

айрим дуккакли ўсимликлар поя ва қолдиқ донларининг кимёвий таркиби асосида қуёнлар учун учта универсал озуқа композициялари ишлаб чиқилган;

озуқавий композициялар ингредиентларининг миқдорий нисбатлари асосида чорва қуёнлари учун композицион озуқалар тайёрлашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси бўйича мош ва ловия ўсимликларининг донлари учун кимёвий таркиби асосида 5 та янги товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва замонавий физикавий, физик-кимёвий усуллардан фойдаланилганлиги (юқори самарали суяқлик хроматографияси, хромато-масс-спектрометрия, нейтрон-активацион таҳлил) ҳамда олинган натижалар асосида нуфузли халқаро нашрларда илмий мақолалар нашр этилганлиги ва натижалар ваколатли давлат тузилмаларига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, дуккакли ўсимликлар поя ва донлари таркибидаги макро ва микроэлементлар, оксиллар, мойлар, аминокислоталар, углеводлар каби табиий бирикмаларнинг миқдори, тупроқнинг кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда замонавий усуллар ёрдамида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дуккакли ўсимликларнинг поя ва қолдиқ донларидан, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш асосида, чорва ҳайвонлари учун тўйимлилиги жиҳатидан самарадор бўлган, табиий, фойдали, оптимал композицион озуқаларнинг яратилганлиги, ҳамда дуккакли ўсимлик донлари учун ТИФ ТН бўйича янги халқаро товар код рақамлари ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликлари дон ва пояларининг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мош донлари учун ТИФ ТН бўйича ишлаб чиқилган 0713310001, 0713310003 ва 0713310009 код рақамлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатурасига киритилиб, божхона амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 8 ноябрдаги 16/05-22-0638-сон далолатномаси). Натижада, экспорт ва импорт жараёнларида мош донларини таснифлашни соддалаштириш, ҳамда бож тўловларини тўғри белгилаш имконини берган;

ловия донлари учун ТИФ ТН бўйича ишлаб чиқилган 0713339001 ва 0713339009 код рақамлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатурасига киритилиб, божхона амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 11 ноябрдаги 16/05-22-0648-сон далолатномаси). Натижада, ловия донларини экспорт ва импорт қилишда ундириладиган бож тўловларини тўғри белгилаш имконини берган;

дуккакли ўсимликларнинг қисмлари ва улардан тайёрланган товарларни синфлаш ва сертификатлаш, ҳамда ТИФ ТН бўйича товар кодларини ажратишга оид тадқиқотлар натижаларидан аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) мутахассислиги магистрантлари учун “Товарлар кимёси (амалий ва лаборатория машғулоти)” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Нашр рухсатномаси, №388-314). Натижада, олий таълим муассасаларида товарлар кимёси соҳасидаги мутахассисларининг билимларини мустаҳкамлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 9 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 та республика илмий журналларида ва ҳорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «*Мош, ловия ва ерэнғоқ ўсимликларининг биологик тавсифи, кимёвий таркиби ҳамда ушбу ўсимликлар маҳсулотларининг товар сифатида синфланиши*» номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларнинг шарҳи келтирилган бўлиб, у дуккакли ўсимликлар, улардан ажратиб олинган кимёвий бирикмалар ҳамда уларнинг биологик фаолликлари тўғрисида умумий маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, дуккакли экинлар, улардан олинган маҳсулотларнинг ТИФ ТН бўйича синфланиши, дуккаклилар асосида чорва моллари учун озуқа маҳсулотлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Турли ҳудудларда етиштирилган мош, ловия донлари ва ерэнғоқ мағизларининг озуқавий қийматларини белгиловчи моддаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари*» деб номланган иккинчи бобида танланган тадқиқот объектларнинг органик кимёвий компонентларини мажмуавий ҳолатда ўрганиш натижалари баён этилган.

Оқсиллар. Дастлаб тадқиқот объектларининг умумий оқсиллари миқдори Кьелдаль усули бўйича ўрганиб чиқилди. Унга кўра, олинган натижалар 1-жадвалда кўрсатилган:

1-жадвал

Мош, ловия донлари ва ерэнғоқ мағизларинининг умумий оқсиллар миқдори


№	Намуна	Оқсил(%)	Намуна	Оқсил(%)
1	2021 БЙД	31,00	2021 БЙП	7,60
2	2021 БЛД	24,63	2021 БЛП	11,13
3	2021 БМД	25,99	2021 БМП	11,96

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, ерэнғоқ, ловия, мош донларидаги умумий оқсиллар миқдори уларнинг пояларидагига нисбатан бир неча баробар кўп. Ерэнғоқ донидаги оқсил поясидагига нисбатан 4 баробар; ловия донида поясига нисбатан 2.2; мош донида эса поясига нисбатан 2.2 баробар кўп. Шундай бўлсада бу кўрсаткичлар дуккакли ўсимлик поялари муҳим оқсил тўпловчи восита сифатида қаралишига асос бўла олади.

Оқсилларнинг аминокислота таркибини ўрганиш ва уларнинг натижалари. Эркин аминокислоталарни аниқлаш Steven ва Daviye методи бўйича амалга оширилди. Аминокислота ҳосилалари юқори самарали

суяқлик хроматографияси усулида идентификация қилинди. Хроматографиялаш қуйидаги шароитда амалга оширилди: хроматограф Agilent technologies DAD 1200 детекторли, колонка -75*4,6 мм Discovery HSC 18. Эритма А: 0.14 М CH₃COOK + 0.05% ТЕА рН 6.4 ; В: CH₃CN.

Оқим тезлиги 1.2 мл/мин ютилиш 269 нм. Градиент % В/мм: 1-6 %/0-2.5 мин; 7-30%/2.51-40 мин; 31-60%/40.1-45 мин; 60-60%/45.1-50 мин; 60-0%/50.1-55 мин. Хроматограмма тасвири 1-расмда берилган.



1-расм. Мош дони оксилларининг аминокислоталар таркиби

Намуналардаги аминокислоталар миқдори 2-жадвалда умумлаштирилган.

2-жадвал

Ерёнғоқ, ловия ва мош донлари ва пояларидаги аминокислоталар миқдори (мг/гр)

№	Аминокислоталар	Намуналар					
		БЙД	БЛД	БМД	БЙП	БЛП	БМП
1	Аспарагин	0,224576	0,438162	0,528999	0,223914	0,126986	0,427701
2	Глутамин	0,76461	1,231643	1,043207	0,422952	0,111763	0,125874
3	Серин	0,090609	0,471803	0,510618	0,125885	0,141458	0,361373
4	Глицин	0,122864	0,684226	0,644362	0,294562	0,180666	0,391942
5	Аспарагин	0,12069	0,691351	0,644856	0,291266	0,176088	0,389486
6	Глутамин	0,35163	1,124427	1,078451	0,216633	0,669129	0,746689
7	Систеин	1,076748	0,212006	0,240881	0,070669	0,233283	0,720365
8	Треонин	0,263074	1,348925	0,66778	0,389163	0,762493	0,929837
9	Аргенин	0,646261	0,78267	0,086751	0,079715	0,083333	0,56725
10	Аланин	0,04977	0,052118	0,035997	0,01779	0,043458	0,051075
11	Пролин	0,108371	0,172914	0,094278	0,113162	0,075536	0,10823
12	Тирозин	0,361901	1,262537	1,116579	0,458645	0,605352	0,762163
13	Валин	0,165112	0,19266	0,273748	0,259499	0,198791	0,252418
14	Метионин	0,182494	0,207053	0,194081	0,069521	0,044962	0,023048
15	Изолейцин	0,091471	0,28918	0,171338	0,148583	0,122363	0,204039
16	Лейцин	0,104433	0,610242	0,351826	0,175913	0,231745	0,211238
17	Гистидин	0,105963	1,134698	0,096264	0,243894	0	0,35704
18	Триптофан	0,231747	0,368492	0,372831	0,185218	0,774087	0,475165
19	Фенилаланин	1,199538	0,252432	0,402602	0,101167	0,185919	0,162938
20	Лизин HCl	0,168184	0,664933	0,599155	0,016905	0,11736	0,055375
	Жами	6,430046	12,19247	9,154606	3,905057	4,884773	7,323244

2-жадвалдаги маълумотларга кўра, дуккакли ўсимликлар поялари ва донларида жами 20 та аминокислота мавжудлиги аниқланди. Фақат ловия донида (БЛД) 19 та аминокислота қайд этилди. Унда гистидин аниқланмади. Аминокислоталарнинг умумий миқдори ерёнғоқ поялари (БЙП)да 3.90, ловия пояларида (БЛП) 4.88, мош пояларида (БМП) эса 7.32 мг/гр; уларнинг донларида эса БЙД да 6.43, БЛД да 12.19, БМД да 9.15 мг/гр ни ташкил этди. Аминокислоталарнинг дуккакли ўсимликлар пояларидаги таркиби уларнинг донларидаги таркибига деярли мувофиқ келади. Аминокислоталар мош донларида ва ловия пояларида энг юқори миқдорда бўлиб, БУР да глутамин ва тирозин (0.423 ва 0.458 мг/г), БЛП да треонин ва триптофан (0.762 ва 0.774 мг/г), БМП да эса глутамин, систеин ва тирозин (0.746 .0720 ва 0.762 мг/г) энг кўп миқдорда, лизин, аланин нисбатан кичик қийматга эга.

Гистидин ловия поясида (БЛП) да аниқланмади, лекин унинг донларидаги миқдори (1.134 мг/г) нисбатан юқори.

Ўрганилган дуккакли ўсимликлар поялари намуналарида деярли барча алмашинмайдиган аминокислоталар – треонин, валин, метионин, изолейцин, лейцин, триптофан, финилаланин, лизин мавжуд.

Ўсимлик мойлари ёғ кислоталар таркиби бўйича анализни ўтказиш тартиби ва олинган натижалар. Нейтрал липидлардаги ёғ кислоталар таркибини аниқлаш учун дон намуналаридан олинган липидлар ишқорнинг спиртли эритмасида гидролизланди ва ҳосил бўлган ёғ кислоталар янги тайёрланган диазометан билан метилланди. Ёғ кислоталарнинг метил эфирлари кўшимчалардан силикагелда препаратив юпка қатлам хроматографиясида 4:1 нисбатли эритувчилар системасида тозаланди. Пластинкадаги ёғ кислоталари метил эфирларига тегишли зоналар қириб олинди ва силикагелдан хлороформ билан бир неча марта элюирлаб олинди. Хлороформли элюатларни тўплаб, хлороформ роторли буғлатгичда ҳайдалди. Эритувчидан ажратилган ёғ кислоталарнинг метил эфирлари гександа эритилди ва алангали ионлаштирувчи детекторли, РН-5 қўзғалмас фазали, 30 м × 0,32 мм ли капилиляр колонкага газ-ташувчи-гелий бўлган ва харорат градиент усулида 150-270°C гача программалаштирилган Agilent 1890 N хроматографида тахлил қилинди. Тахлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Тахлил натижаларига кўра ўрганилган дуккакли ўсимликлар донларида тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори (79,09-63,39%), тўйинган ёғ кислоталариникига нисбатан юқори (20,91-36,61%). Бу тўйинмаган кислоталарнинг асосий қисмини эссенциал-18:2 ω 6 – линолин ва олеин+линолен 18:1 ω9+18:3 ω3 каби ёғ кислоталар ташкил этади. Палмитолеин ёғ кислота мош ва ловияда, маргарин ёғ кислота эса мошда аниқланмади. Ерёнғоқда миристин кислотанинг қолдиқлари қайд этилди, мош ва ловиядаги миқдори эса жуда кичик қийматга эга (0,35 ва 0,19%).

Дуккакли ўсимлик донларидаги нейтрал липидлар ёғ кислоталарнинг микдорий таркиби (ёғ кислоталарнинг умумий массасига нисбатан, %)

№	Ёғ кислоталар	Микдори		
		БЙД 2021	БМД 2021	БЛД 2021
1	Миристин к-та, 14:0	Сл.	0,35	0,19
2	Пальмитин к-та, 16:0	11,25	24,58	24,31
3	Пальмитолеин к-та, 16:1	0,06	-	-
4	Маргарин к-та, 17:0	0,15	-	0,30
5	Стеарин к-та, 18:0	3,20	5,54	5,38
6	*Олеин к-та, 18:1ω9 Линолен к-та, 18:3ω3	36,73	26,39	31,97
7	Линол к-та, 18:2ω6	39,99	39,42	30,93
8	Арахин к-та, 20:0	1,60	1,26	1,59
9	Эйкозен к-та, 20:1ω11	1,18	0,43	0,49
10	Беген к-та, 22:0	3,78	1,32	2,95
11	Лигноцерин к-та, 24:0	1,85	0,71	1,11
12	Церотин к-та, 26:0	0,21	-	0,78
	∑ Тўйинган ёғ кислоталар	22,04	33,76	36,61
	∑ Тўйинмаган ёғ к кислоталар	77,96	66,24	63,39

Донларда 13 та ёғ кислоталар аниқланди, уларнинг пояларидаги таркиби эса 15 та бўлиб, каприн, лаурин, пентадекан донлар липидларида мавжуд эмас.

Углеводлар. 100 г очиқ ҳавода қуритилган ва эзилган ҳамда эланган хом ашёлар ерёнғоқ пояси — БЙП; ловия пояси — БЛП; мош пояси — БМП; ерёнғоқ дони — БЙД; ловия дони — БЛД; мош дони — БМД хлорофил ва липофил компонентларни олиб ташлаш учун хлороформ билан ишлов берилди. Кейинчалик, қуритилган хом ашё 5 мм тешиклари бўлган элакдан ўтадиган заррача ҳажмига келгунча икки марта эзилди. Ўсимликларнинг донлари ва поясидан хлороформ билан экстракция қилиш орқали хлорофиллар ва липофил моддалар ажратилди. Дастлаб хом ашёлар қуритилди, кейин сув ҳаммомида 20°C га қадар қиздирилган ҳолда, 1:3 хомашё экстрагент нисбатида 2-3 соат давомида икки марта сув билан экстракция қилинди. Кейин олинган экстрактлар филтрланди, бирлаштирилди ва роторли буғлатгичда қуйиқ массага қадар буғлатилди. Полисахаридлар икки марта 94% этанол билан чўктирилди. Ҳосил бўлган чўкма центрифугалаш (6000/10 мин) йўли билан ажратилди, чўкма ювилди ва спирт билан қуритилди. Полисахаридлар йиғиндисининг қуруқ массага нисбатан микдори 6-7% ни ташкил қилади. Гидролизат газ-суюқлик хроматография усули билан ўрганилди.

Гидролизатларнинг моносахаридларини сифат жиҳатидан аниқлаш уларнинг сақланиш вақтини моносахаридлар аралашмасининг стандарт сақланиш вақти билан солиштириш орқали амалга оширилади. Гидролизатдаги моносахаридларининг микдорий нисбати чўққиларнинг майдонларини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Намуналар асосида

Ўтказилган тадқиқот натижалари яъни дуккакли ўсимликлардан Ерёнғоқ, ловия ва мош донлари ва пояларининг полисахаридлар таркиби натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ерёнғоқ, ловия ва мош донлари ва пояларидаги умумий полисахаридлар миқдори

№	Намуна	Полисахаридлар миқдори %	№	Намуна	Полисахаридлар миқдори %
1	БЎД	9,05	4	БЎП	4,28
2	БЛД	5,53	5	БЛП	4,81
3	БМД	4,04	6	БМП	10,55

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ерёнғоқ донида ловия ва мош донларига нисбатан полисахаридлар миқдори 2 баровар кўп бўлиб, ўсимлик донининг қуруқ массасига нисбатан 9,05 % ташкил этмоқда. Ўсимлик донлари асосида тайёрланиш режалаштирилган композицион маҳсулотимизнинг асосий қисмини ерёнғоқ пояларидан иборат бўлиши унинг озуқабоплигини таъминлайди.

Дуккакли ўсимликлар ерёнғоқ, ловия ва мошларнинг ер устки қисмидан олинган намуналарнинг полисахаридлар таркибини ўрганиш жараёнида мош поясида полисахаридларнинг миқдори ловия ва ерёнғоқ ер устки қисмидагига нисбатан 2-3 баравар кўплиги аниқланди. Демак, ўсимликларнинг ер устки қисмидан композицион материаллар тайёрлашда мошнинг поясини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Витаминлар. Тадқиқотлар давомида объектларнинг сувда эрувчан витаминлари ўрганиб чиқилди.

5-жадвал

Ерёнғоқ, ловия ва мош донлари ва пояларидаги сувда эрийдиган витаминлар

Витаминлар	Намуналар (мг/%)					
	БЎД	БЛД	БМД	БЎП	БЛП	БМП
В-1	3,889	3,364	3,429	6,589	2,777	2,871
В-2	7,510	16,580	5,015	11,850	6,678	5,392
В-6	3,911	6,100	3,945	12,758	0	0
В-9	3,077	7,483	7,950	2,1432	0	0
В-12	1,906	1,631	2,034	4,772	0	0
РР	3,168	3,520	1,768	4,188	3,590	6,677
С	2,320	10,273	3,553	2,973	3,416	3,223

Таҳлиллар Agilent Technologies 1200 хроматографида – Exlipse XDB C18 3,5 мкм 4.6 × 150 мм ли колонкада олиб борилди. Детектор диод-матрицли (ДАД) ва 230, 265, 254, 285 нм тўлқин узунликларида детекция қилинди. Эритма А: 0.5% сирка кислота, рН 1.7: В: CH₃CN (ацетонитрил). Оқим тезлиги 0.6мл/мин. Градиент %В/мин. 0-5 мин/96:4%, 6-8 мин/90:30%, 9-15 мин/80:20%, 15-17мин/96:4%. Термостат харорати 25°C. Олинган натижалар 4-жадвалда кўрсатилган.

Дуккакли ўсимликларнинг донлари ва пояларида сувда эрувчан 7 хил витаминлар мавжудлиги аниқланди (4-жадвал). Ловия (БЛП) ва мош (БМП) пояларида В₆, В₅, В₁₂ витаминлар аниқланмади. Лекин В₁, В₂, РР, С витаминларининг ўсимлик поялари ва донларида турлича нисбатга эга.


Фарғона вилояти Бешариқ туманида етиштирилган дуккакли ўсимликлар ерёнғоқ, ловия, мошнинг донлари ва пояларининг минерал ва органик таркибини тадқиқ этиш натижасида улар оқсиллар, аминокислоталар ва витаминларга бойлиги аниқланди. Аниқланган 20 та аминокислоталарнинг 8 таси алмашинмайдиган аминокислоталарга мансуб. Ўсимлик пояларидаги оқсиллар ва аминокислоталар миқдори донларидаги таркибга мувофиқ келади. Сувда эрувчан витаминларнинг 7 тури мавжудлиги қайд этилди. Дон ва поялардаги ёғ кислоталар таркиб жиҳатдан фарқланиши, шунингдек донларда тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори тўйинган ёғ кислоталарга нисбатан кўпроқ ва пояларда эса аксинча. Олинган натижалар дуккакли ўсимлик донлари ва поялари турли композицион озуқа маҳсулотларини тайёрлашда асос бўла олишини тасдиқлайди.

Диссертациянинг *“Мош, ловия донлари ва ерёнғоқ мағизларининг ўсув жойларига кўра ноорганик таркиби – кимёвий элементларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари”* деб номланган учинчи бобида кимёвий элементларнинг “жинс – тупроқ – ўсимлик” тизимида тарқалиши, биоген элементларнинг биогеохимёси, уларнинг биологик сингдириш коэффициентлари ва шу каби тадқиқотлар ва уларнинг натижалари келтирилган.

Дуккакли ўсимликлар донлари таркибидаги макро- ва микроэлементларни ўрганиш учун ЎзР Фанлар академияси Ядровий тадқиқотлар институтининг ВВР-СМ ядро реакторидан фойдаланилди. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг аниқлиги 85% дан юқори бўлиб (максимал хатолик 15% дан ошмайди), биологик манбалар намуналарини ўрганиш талабларига тўла жавоб беради. Тахлиллар ядро физикаси инструментал нейтрон-активацион текширувлар асосида амалга оширилди.

Анализни ўтказиш учун ловия, мош, нўхат ва ерёнғоқ донларидан 100 г дан намуналар олинди ва 50-60°C хароратда доимий массага келгунча қуритилди. Намуналар чинни ховончада гамоген массага келгунча туйилди. Сўнгра улардан икки хил тартибда тортимлар олинди. 1) қисқа яшовчи радионуклидлар тахлили учун 40-50 мг ва 2) узоқ яшовчи радионуклид учун 90 мг. Уларнинг хар бири пластик халтачаларга қадоқланди ва хар бир намуна нейтрон-активацион тахлилдан ўтказилди.

Намуналардаги калий миқдори юқорида келтирилган кетма-кетликда камаяди. Нўхат, мош ва ерёнғоқдаги натрий ва темирни миқдори деярли тенг. Макроэлементларнинг умумий жамланмаси ловияда 16600 мошда 15339 нўхатда 11826 ва ерёнғоқда 22440 мкг/г ни ташкил этади (1-расм).



1-расм. Намуналарнинг макроэлементлари


Микроэлементлар 32 тани ташкил этади. Улардан молибден, барий, темир миқдори энг юқори булиб, улар қуйидаги кетма-кетликда камаяди.

Ловияда: $Mo < Fe < Ba = Zn$

Мошда: $Fe < Zn < Ba < Mo$

Нўхатда: $Fe < Ba < Zn < Mo$

Ер ёнғоқда: $Fe < Zn < Ba < Mo$



2-расм. Микроэлементлар миқдорини ифодаловчи диаграмма

Дуккакли ўсимликлар донларидан микроэлементларнинг миқдорий кўрсаткичларига кўра иккинчи ўринга қуйидаги элементларни киритиш мумкин: Mn, Sm, Se, Cr, Sc, Pb. Умумлаштирилган натижалар 5-жадвалда кўрсатилган.

Дуккакли ўсимлик донларидаги элементлар миқдори қуйидаги қаторларда камайиб боради.

ловияда: $K > Ca > Na > Mo > Fe > Zn > Ba > Sr > Mn > Ce > Pb > Sm > Ni > La > W > Br > As > Se > Nd > Cr > Yb > Co > Ag = Th = U > Hg > Eu = Cs = Ta = Lu > Sb > Hf > Au > Sc$

нўхатда:

$K > Ca > Na > Fe > Ba > Zn > Mn > Sr > Mo > Ce > Sm > Br > Rb > La > Ni > W > As > Se > Nd > Cr > Tb > Yb > Co > Ag = Th = U > Eu > Hg > Ta > Lu = Cs > Sb > Au > Sc > Hf$

мошда: $K > Ca > Zn = Fe > Na > Ba > Mo > Sr > Mn > Rb > Ce > Sm > Ni > W = Br = La > As > Se > Cr > Tb = Nd > Co > Th > U = Yb = Ag > Eu > Hg > Cs = Ta > Sb > Hf = Lu > Sc > Au$

ерёнғоқда: $K > Ca > Fe > Na > Zn > Ba > Sr > Mo > Mn > Ce > Rb > Sm > Br > La > Ni > W > As > Cr > Se = Hg > Co > Tb > Nd > Yb = Th > Eu = Ag = U > Ta = Cs > Lu > Sb > Hf > Au > Sc$

Дуккакли ўсимликлардаги микроэлементлар миқдори (мкг/г)

№	Элемент	Мош	Нўхат	Ловия	Ерёнғоқ
1.	Mn	9,5	11,2	14,1	12,1
2.	Sm	5,3	5,1	4,6	4,8
3.	Mo	30,5	8,4	65,5	15,6
4.	Lu	0,01	0,02	0,02	0,02
5.	U	0,10	0,1	0,1	0,1
6.	Yb	0,1	0,2	0,18	0,2
7.	Au	0,0038	0,0029	0,0045	0,0042
8.	Nd	0,33	0,42	0,37	0,26
9.	As	0,9	0,8	0,9	0,7
10.	W	1,4	1,3	1,3	<1.0
11.	Br	1,4	3,7	0,94	2,6
12.	La	1,4	2,35	1,4	2,38
13.	Ce	5,8	5,4	6,4	5,9
14.	Se	0,63	0,45	0,46	0,42
15.	Hg	0,035	0,046	0,053	0,42
16.	Tb	0,33	0,22	0,23	0,27
17.	Th	0,2	0,1	0,1	0,2
18.	Cr	0,52	0,33	0,32	0,47
19.	Hf	0,01	0,0	0,008	0,01
20.	Ba	38,4	52,1	45,5	33,7
21.	Sr	23	9	15	17
22.	Ag	<0.1	<0.1	<0.1	<0.1
23.	Cs	0,02	0,02	0,02	0,03
24.	Ni	2,5	1,8	3,6	2,2
25.	Sc	0,0058	0,0021	0,0039	0,0032
26.	Rb	7,6	3,6	5,1	5,4
27.	Zn	54	35	46	46
28.	Co	0,22	0,18	0,14	0,31
29.	Ta	0,02	0,03	0,02	0,03
30.	Fe	54	55	51	63
31.	Eu	0,04	0,05	0,04	0,1
32.	Sb	0,012	0,0076	0,016	0,018

Ўсимликлардаги кимёвий элементлар таркиби улар етиштирилаётган тупроқ ва иқлим шароитига боғлиқ. Шу сабабли турли жойларда етиштирилаётган дуккакли ўсимликларнинг кимёвий таркибини тупроқнинг биологик хусусиятларига ва геохимёвий таркибига боғлаган ҳолда таҳлил қилиш асосли натижа беради.

Диссертация ишининг *“Мош, ловия ва ерёнғоқ ўсимликларини етиштириш ва қайта ишлаш маҳсулотларидан чорва ҳайвонлари учун мақбул таркибга эга бўлган аралаш турдаги озуқа маҳсулотлари композицияларини олиш. Мош ва ловия дуккакли донларни ТИФТН бўйича таснифланишига доир таклифлар”* номли тўртинчи бобида кўнлар учун аралаш композицион озуқа маҳсулотини олиш учун мақбул

таркибни танлаш, унинг қулай истеъмол шаклини ишлаб чиқиш ва қуёнчилик фермаларида ўтказилган тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида ерёнғоқ, ловия, мош ва бошқа дуккакли ўсимликлар етиштирилади, уларнинг донлари асосий озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида ишлатилади. Поялари ноёб таркибга эга бўлишига қарамасдан мақсадли йўналишларда фойдаланилмайди. Дуккакли ўсимликлар пояларидан оқилона фойдаланиш мақсадида уларнинг кимёвий таркиблари тахлили ўтказилиб, шу асосда озуқавийлик даражаси ва тўйимлилигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг турли нисбатларига мувофиқ келувчи комбинациялари ишлаб чиқилди. Тақдим этилаётган таркибни универсал қуён озуқаси сифатида қуён фермаларида қўлланилиши назарда тутилган.

6-жадвалда прототип универсал аралаш қуён озуқасида келтирилган кўрсаткичлар синовдан ўтказилиши режалаштирилган композициялар билан қиёсланган. Қиёсланаётган кўрсаткичлар прототипга нисбатан маълум устунликларга эгаллигини тасдиқлайди.

7-жадвал

Прототип ва дуккакли ўсимлик поялари асосида олинган аралаш озуқаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Мазмуни			
	Прототип	Ўрганилган аралаш озуқалар		
		1-композиция	2-композиция	3-композиция
Энергия, ккал/кг	2240	3200-4000	3200-4000	3200-4000
Протеин г/кг	170-180	210	212	205
Клетчатка г/кг	120-130	145	144	145
Ёғ-мой г/кг	25-35	33	30,7	32,4
Кальций г/кг	11,1	28,2	26,7	31,8
Фосфор г/кг	6,3	35,4	37,5	39,5
Лизин г/кг	9,0	8,5	7,8	8,0
Метионин+цистин г/кг	6,2	6,6	6,5	7,1

Олинган натижалар асосида танланган прототипга яқин бўлган кимёвий таркиб дуккакли ўсимликлар поялари орасидаги турли нисбатга кўра композициялар шакллантирилди. Шунингдек, дуккакли ўсимликлар поялари захираси аниқланди. Танланган композициялардан гранулалар тайёрлаш услубиёти ишлаб чиқилди.

7-жадвалда эса олинган композицияларнинг таркибий компонентларини ўзаро нисбатлари кўрсатилган. Алмадиниш энергияси, протеин, кальций, фосфор миқдори ўрганилаётган композицияларда прототипга нисбатан юқори бўлиб, лизин, метионин+цистин миқдорлари ва қолган кўрсаткичлар ўзаро яқин.

Ерёнғоқ:ловия:мош нисбатлари массавий улушларда, (%)

№	Компонент	2:1:0,75 (1-композиция)	1:1:1 (2-композиция)	2:1:1 (3-композиция)
1	Ерёнғоқ пояси	47,5	29,5	41,5
2	Ловия пояси	23,5	29,5	23,5
3	Мош пояси	17,5	29,5	23,5
4	Буғдой кепаги	4,4	4,4	4,4
5	Қолдиқ донлар	5	5	5
6	Мойда эрувчан витамин минераллар	2	2	2
7	Ачитки	0,1	0,1	0,1
	Калориялиги	3200-4000 ккал/1000г	3200-4000 ккал/100г	3200-4000 ккал/100г

Гранулалар тайёрлаш тартиби. Ерёнғоқ, ловия, мош поялари майдаланиб крахмалли боғловчи қўшимчалар (буғдой кепаги 5% гача), майдаланган донлар, уруғлар (5% гача), 2% буғдой бардаси ва 0,1% ачитки қўшиб аралаштирилади ва 8-10% сув қўшилади. Интенсив аралаштириш амалга оширилади. Натижада бир жинсли ҳамирсимон масса ҳосил бўлади. Масса ҳажми крахмалсимон моддаларнинг ёки донларнинг нам тортиши ҳисобига катталашади. 1,5-2 соатдан сўнг аралашма гранулятор шнеки орқали 3 мм ли тирқишлардан ўтказилади. Ҳосил бўлган гранулаларни тўғридан тўғри озуқа сифатида қуёнларга берилиши ёки қадоқланиши мумкин.

Мош ва ловия донларини ТИФ ТНда таснифланишига доир таклифлар. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН да тегишли товар позицияларида тадқиқ этилган дуккакли ўсимликлар донлари учун (фасоль для посева) код рақамларига қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

071331000 - фасоль видов *Vigna (L.) Hepper Vigna radiata (L.) Wilczek*

0713310001 - маш

0713310003 - фасоль для посева

0713310009 - прочая

Оқ ловияни синфлаш 071333 товар субпозициясида амалга оширилади; “0713331000 - - - для посева” товар ўрни ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда “071333900 - - - прочая” товар ўрнида тавсифловчи код рақами таклиф этилган. Шунга кўра, 071333 субпозиция гуруҳи қуйидаги кўринишни олади:

071333 - - фасоль обыкновенная, включая белую мелкосемянную фасоль (*Phaseolus vulgaris*):

0713331000 - - - для посева

071333900 - - - прочая

0713339001 - - - - белый фасоль

0713339009 - - - - прочая

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасида оқ ловияни синфлаш учун таклиф этилган код рақамларининг божхона амалиёти учун қабул қилиниши Республикаимизнинг

иқтисодий манфатлари нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, оқ ловияни синфлаш юзасидан берилган тақлифлар ЎзР ТИФ ТН янги навбатдаги тахририда амалиётга жорий этиш учун қабул қилинди.

ХУЛОСА

Мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*), ва ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларининг элементар ва органик таркибини тупроқ-поя-дон тизимида ўрганилиши ва уларнинг поялари ва дон қолдиқларидан чорва озуқалари тайёрлаш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Фарғона вилоятида етиштирилган мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*) ва ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларининг элемент таркиби, тупроқ-поя-дон тизимида илк бор мажмуавий тадқиқ этилиши натижасида уларнинг кимёвий компонентларини тегишли гуруҳлари бўйича батафсил илмий маълумотлар олинди.

2. Нейтрон активацион таҳлил усули ёрдамида тупроқ ва ҳар учала ўсимлик поя ва донларидаги макро- ва микроэлементлар таркибини миқдорий анализи бажарилди ҳамда ҳаётий фаолият учун муҳим эсенциал элементлар манбаи сифатида тавсия этилди.

3. Ўсимликларнинг дон ва пояларида деярли барча оқсил ҳосил қилувчи аминокислоталар мавжудлиги ва юқори миқдори билан аҳамиятга мойиллиги исботланди.

4. Мош (*Phaseolus aureus*), ловия (*Vigna sinensis*) ва ерёнғоқ (*Arachhis hypogaea*) ўсимликларининг липидлари, мураккаб ёғ кислоталари, витаминлари ва полисахаридларини биринчи марта комплекс тадқиқ этиш натижасида тўйинмаган ёғ кислоталарининг миқдори юқорилиги, шунингдек, пояларда бу компонентларнинг донларидаги миқдorigа яқинлиги газ хроматографик ва ЮССХ тадқиқот усуллари асосида аниқланди.

5. Дуккакли ўсимликлар донлари ва пояларидаги кимёвий компонентларнинг миқдори ва озуқавийлигига кўра илк бор турли ёшдаги қуёнлар учун тўла рационли универсал озуқалар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий қилиши натижасида қуёнлар вазнининг 5,6% ортиши асосланди, олинган натижавий хулосалар асосида ихтиро патенти олиш учун ЎзР Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк агентлигига талабнома топширилган.

6. Дуккакли ўсимликлар донларининг ЎзР ТИФ ТН да синфланиши таҳлил қилиниб мош ва ловия учун 0713 товар позициясини тўлдирувчи бешта янги товар кодлари ишлаб чиқилди ҳамда тегишли изоҳлар билан божхона амалиётига жорий қилиш учун юборилди.

7. Мош дони учун тавсия этилган 0713310001 товар коди ЎзР ТИФ ТН нинг 2017 - йилги версиясига киритилиши натижасида охириги 4 йил давомида ушбу код билан қиймати 532689 АҚШ долларига тенг 544156 тонна мош экспорт қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.05.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МУКИМЖОНОВА УМИДАХОН ВАХОБЖОН КИЗИ

**РАСТЕНИЯ *PHASELOUS AUREUS*, *VIGNA SINENSIS* И *ARACHNIS
HYROGAEA*: ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ, КЛАССИФИКАЦИЯ И
КОМПОЗИЦИИ НА ИХ ОСНОВЕ**

02.00.09 – Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.4.PhD/К462.

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Исаков Мухамеджан Юнусович
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хожиматов Махсадбек Муйдинович
доктор химических наук, доцент

Абдуганиев Бахтиёржон Ёрмахаматович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита состоится « ____ » _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного Совета PhD.03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г.Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г.Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91), e-mail: fardu_info@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан: « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки ____ от « ____ » _____ 2022 года).

А.А.Ибрагимов

Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

М.Ё.Имомова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.х.н.

Ш.В.Абдуллаев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире растет спрос на натуральные продукты питания для комплексного развития животноводства. При этом большое внимание уделяется созданию качественных, безвредных, экологически чистых, натуральных продуктов питания на основе сельскохозяйственных культур, всесторонне развивающих животноводство. Поэтому, определение химического состава некоторых зернобобовых растений, расширить возможности использования растений, богатых полезными компонентами, обладающих высокой пищевой ценностью, и разработать на их основе новые композиционные продукты для животноводства имеет важное значение.

В мире проводятся научные исследования по выращиванию и увеличению богатых полезными компонентами сельскохозяйственных растений, определению их химического состава также по разработке на их основе питательных продуктов для животноводства. В связи с этим, уделяется особое внимание выделению белков, витаминов, углеводов, макро- и микроэлементов, биологически активных соединений, содержащиеся в зернах, листьях, стеблях и корнях бобовых растений, определение их химического состава и структуру современными физико-химическими методами, для развития животноводства на основе этих растений для создания полезных, безвредных, натуральных, экологически чистых кормовых композиций, а также разработке новых международных товарных кодов на эти композиции по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД).

В нашей республике достигаются определенным научно-практическим результатам по увеличению объема конкурентоспособных продуктов питания для сельскохозяйственных животных и расширению ассортимента питательных, с высоким содержанием белков, жиров, углеводов, богатых полезными соединениями кормов на основе сельскохозяйственных культур. В Стратегии развития нового Узбекистана¹ поставлены важные задачи для выполнения по “увеличить доходы дехкан и фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, довести ежегодный прирост сельского хозяйства не менее чем до 5%”. Исходя из этих задач, определение химического состава зернобобовых растений, выращиваемых в сельском хозяйстве, создать на их основе натуральные кормовые композиции, содержащие макро- и микроэлементы, питательные вещества, играющие важную роль в развитии животноводства, создание нового композиционного продукта, также на основе их химического состава разработка новых международных товарных кодовых номеров по ТН ВЭД имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за № УП-60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-60 от 28 января 2022 года « О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Узбекистана на 2022-2026 годы», в постановлениях Президента Республики Узбекистан за № УП-3818 от 29 июня 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению внешнеэкономической деятельности и совершенствованию системы таможенно-тарифного регулирования Республики Узбекистан» и за №ПП-120 от 8 февраля 2022 года «Об утверждении Программы развития сферы животноводства и ее отраслей в Республике Узбекистан на 2022-2026 годы», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан за № ПКМ-19 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и поддержке отрасли кролиководства в республике» а также в других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии в нанотехнологии».

